

Қуръони Каримда зикр қилинган нажот топгувчилар кимлар?



09:00 / 09.06.2021 3799

Қуръони Каримда зикр қилинган, дунё ва охирада нажот топгувчилар қуйидагилар:

1. Ғайбга ишонувчилар.
2. Намозни адо қилувчилар.
3. Закоти нисобга етса уни адо қилувчилар.
4. Қуръонга ва ўтган илоҳий китоблар Таврот, Инжил, Забурга иймон келтирувчилар.
5. Охираат кунига иймон келтирувчилар.

Сизлардан яхшиликка чақирадиган, амри маъруф–наҳйи мункар қиладиган бир уммат бўлсин. Ана ўшалар, ўзлари нажот топгувчилардир.

نونمؤملا {نوحفملا مةكئلؤأف هُن يزاوم تَلقث نَمَف : 102

Кимнинг мезонлари оғир келса, бас, ана ўшалар, ўзлари нажот топгувчилардир.

قوي نَمَو {مكسففنأل أرِيخ اوقفنأو اوعيطأو اوعمساو متعطتسا امهلال اوقتأف {نوحفملا مةكئلؤأف هُن يزاوم تَلقث نَمَف

نباغتلا : 16

Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг ва (амрини) тингланг ва итоат қилинг ва инфоқ қилинг - ўзингизга яхши бўлади. Ва кимки нафсининг қизғанчиқлигидан сақланса, ана ўшалар нажот топгувчилардир.

Мусулмон киши дунё охираат саодатини қўлга киритиш учун Аллоҳ буюрган амалларни қилса ва Аллоҳ қайтарган амалларни тарк қилса, дунё ва охираатда нажот топгувчилар сафида бўлади, иншааллоҳ.

Аллоҳ таоло барчаларимизни дунё ва охираатда нажот топгувчилар сафидан қилсин.

Абдуссомад Ҳабибуллоҳ ўғли тайёрлади